Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 1-aprel, seshanba № 41 (3390)

ИШБИЛАРМОНЛАР БИЗНЕС-ФОРУМИ

Қувасой шаҳрида Фарғона вилоятининг сармоявий салоҳиятини ривожлантиришга бағишланган халқаро бизнес-форум бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда Хитой, Жанубий Корея, Япония, Россия, Германия каби йигирмадан ортиқ мамлакатдан элликдан зиёд йирик фирма ва компаниялар вакиллари иштирок этди.

Бугунги кунда Фарғона вилоятида иқтисодиётнинг турли соҳаларида юздан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг сони йилдан-йилга ошиб бораётир. Бу хорижий сармоядорларнинг мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлиги, уни ривожлантириш истиқболларига қизиқиши ва ишончи ортиб бораётганидан далолатдир.

Бизнес-форум иштирокчиларига мамлакатимиз, хусусан, Фарғона вилоятининг сармоявий муҳитини янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар, яратилаётган имконият ва имтиёзлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан хорижий компания вакиллари ўртасида мақсадли ва истиқболли шартномалар имзоланди.

Тадбир доирасида ташкил қилинган кўргазмада тўқимачилик ва енгил саноат, машинасозлик, мева-сабзавотларни қайта ишлаш, қурилиш материаллари ва автомобилсозлик саноати учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш, фермерлик ҳаракатини саноат асосида кенгайтириш каби соҳаларга ихтисослашган қатор корхоналар маҳсулотлари намойиш этилди.

Суратларда: *Бизнес-форум иштирокчилари.*

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

2014 йил — Соғлом бола йили

Инсон саломатлиги миллат баркамоллигини таъминлайди. Зеро, йилимизнинг Соғлом бола йили дея номланишида ҳам ана шундай халқчил ёндашув мужассам.

«Саломатлик» поезди Навоийда

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида чекка ҳудудлардаги аҳолини тиббий-ижтимоий патронаж бригадалари томонидан чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш ҳамда уларга манзилли муруввaт ёрдамини кўрсатиш мақсадида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК билан ҳамкорликда ташкил этган «Саломатлик» поезди Навоий вилоятида бўлди.

«Саломатлик» поезди Тошкент — Навоий — Тинчлик — Конимех — «Караката» — Мустақиллик — Қизилқудуқ — Бузаубай — Учқудуқ йўналишлари бўйлаб ҳаракат қилиб, эзгулик жарчиси сифатида одамларга тиббий хизмат ва муруввaт ёрдамлари кўрсатди.

Хайрия акцияси иштирокчилари томонидан дастлабки куниёқ Навоий шаҳрида истиқомат қилувчи 400 нафардан ортиқ аҳоли кафолатли тиббий кўрикдан ўтказилди.

— Аввало, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, кексалар, ногиронлар, якка-ёлғизлар, болалар ва туғиш ёшидаги аёлларга эътибор қаратилди, — дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Навоий вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Боймурод Ниёзов. — Тиббий кўрик давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга, ногиронларга бепул дори-дармон, озиқ-овқат ва керакли маҳсулотлар ҳам тарқатилди.

Ташрифнинг иккинчи кунида ҳожатбарор поезд Қизилқум кенгликлари оша мўлжалланган ўз юришларини давом эттирди. Конимех тумани ҳудудида жойлашган «Конимех» ҳамда «Караката» станциясида ташкил этилган қабул чоғида юзлаб меҳнаткаш ва чорвадорлар тиббий кўрикдан ўтказилди. Эзгу ишларни муваффақиятли амалга оширишда «Соғлом авлод учун» хайрия фондининг ҳудудий филиали тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда тармоқ касаба уюшмаси фаоллари яқиндан ҳамкорлик қилишмоқда.

«Саломатлик» поезднинг Зарафшон шаҳрига ташрифи ҳам хайрли тадбирларга бой бўлди. Айниқса, малакали мутахассислар кўриги олис Томди, Учқудуқ туманлари аҳолисига катта наф келтирди.

Мансур АЛОВУДДИНОВ, «Ishonch» мухбири

Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 24 февралда қабул қилинган «2014 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори юзасидан Самарқанд вилоятида «Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!» шиори остида жамоатчилик вакиллари, таниқли олимлар, маданият, адабиёт ва санъат намояндалари иштирокида маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташкил этилди. Эзгуликка йўғрилган ушбу байрам тадбирлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши масъуллигида амалга оширилди.

Қучоқ очиб халқ ичига борайлик

Самарқанд вилояти маънавият тарғибот маркази раҳбари С.Саноқулов, Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Фалсафа» кафедраси мудири, доцент А.Мухторов, Тошкент давлат педагогика университети профессори Н.Қалқонов, фалсафа фанлари доктори Б.Алиев, «Ҳуррият» газетаси бош муҳаррири Ў.Мирзаёров ҳамда бир гуруҳ эл севган санъаткорлар маданий-маърифий, тарғибот-ташвиқот тадбирлари ва давра суҳбатларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон омилига қаратилганлиги ҳамда миллий байрамимиз юртимиз бўйлаб кўтаринки руҳда ташкил этилаётганини таъкидлашди.

Ишчи гуруҳ қисқа вақт ичида Самарқанд вилоятининг барча туманларини қамраб олиш мақсадида 2 та гуруҳга бўлиниб, шаҳар ва туманларнинг энг чекка қишлоқлари аҳолиси билан жонли мулоқотда бўлишди. Жумладан, Иштихон туманидаги «Халқобод», «Метан» маҳалла фуқаролар йиғинларидаги Маиший хизмат кўрсатиш ҳамда Иқтисодиёт ва тадбиркорлик коллежларида бўлиб ўтган маданий-маърифий учрашувлар ва адабий-бадиий кечалар ўқувчи ва ўқитувчилар, корхона ва ташкилотлар ишчи-хизматчилари ҳамда маҳаллий аҳолига байрамона кайфият, маънавий-руҳий қувват бағишлади. Ушбу байрам тадбирларида 400 нафардан зиёд аҳоли вакилларининг иштироки таъминланди.

Пахтачи туманидаги «Бўстон» МФЙдаги Қишлоқ хўжалиги ҳамда «Поёни гумбаз» МФЙдаги Хизмат кўрсатиш коллежларида маҳалла фаоллари, ёшлар иштирокида ўтган тарғибот-ташвиқот ва концерт дастурлари ҳам 500 нафарга яқин киши қалбида эзгулик, меҳр-оқибат, бағрикенглик каби олижаноб туйғуларни уйғотиш баробарида жамиятда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий қадрият ва анъаналаримиз руҳида камол топтиришда муҳим аҳамият касб этди.

Айниқса, Қўшработ тумани «Заркент» МФЙдаги Кончилар маданият уйи, «Дўстлик» МФЙдаги Педагогика коллежида маънавий-маърифий тарғибот гуруҳи аъзоларининг чиқишлари аҳоли ва ёшлар томонидан зўр кўтаринкилик билан кутиб олинди. Ушбу тадбирларда 600 нафардан зиёд маҳалла фаоллари, ёшлар, касб-ҳунар коллежи ўқувчилари қатнашди.

(Давоми 2-саҳифада).

Хабар

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши тизимидаги бошланғич ташкилотлар аъзоларининг 2400 нафар фарзандлари Тошкент цирки дастурларини мароқ билан томоша қилишди.

Бўш вақт — хуш вақт

— Биз тармоқ меҳнаткашлари фарзандларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун барча имкониятларни ишга солмоқдамиз, — дейди Тошкент шаҳар тармоқ бирлашган касаба уюшмаси етакчи мутахассиси Ҳусниддин Сайдалиев. — Юқоридаги туҳфа биринчиси ёки охиргиси эмас. Апрел ойида «Туркистон» саройида бўлиб ўтадиган республика қўғирчоқ театри томошаларига ҳам 1 млн. сўмлик чипталар сотиб олдик.

Жорий йилда тармоқ ишчи-хизматчиларининг 1650 нафар фарзандлари «Автомобилчи», 1561 нафар бола эса «Транспортчи авлод» болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида ҳордиқ чиқаришади. Айни вақтда бу оромгоҳларда мавсумга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Ўз мухбиримиз

Яратиш фасли юмушлари

Кўклам — яратиш фасли. Бу мавсумда ерга уруғ қадалиб, янги боғларга асос солинади.

Кўчат экиб, боғ ярат

Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташаббуси билан болалар ёзги оромгоҳларини боғ-роғларга айлантириш, янги ниҳоллар ўтқазиш юмушлари намунали ташкил этилди. Шу чоққача мавжуд 22 та оромгоҳда 660 туп мевали, 235 туп манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилиб, 10600 та терак қаламчалари қадалди.

— «Камалак» оромгоҳида 540 туп ана шундай ниҳолларни ўтқаздик, — дейди юридик бўлим мутахассиси Азамат Болибоев. — Оромгоҳ ҳудудида кенг миқёсли ободончилик ишлари амалга оширилди. Витаминли сабзавот ва зираворлар учун ажратилган майдонлар ҳам тахт ҳолга келтирилди.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

Обод ва фаровон ҳаёт сари

Баҳор фаслида Андижон шаҳри янада кўркамлашади. Шаҳарда олиб борилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини кўриб, инсоннинг қўлигул эканига яна бир карра амин бўласиз.

Президентимизнинг «2011-2015 йилларда Андижон вилояти турар жой массивлари коммунал инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини ҳаётга татбиқ эта бориб, вилоят марказидаги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари эндиликда туманларга кўчди.

Айниқса, Балиқчи туманидаги кенг қамровли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари беихтиёр эътиборни тортади. Балиқчи шоҳкўчасидаги қурилиш ишлари натижасида 50 та тадбиркорлик субъекти бинолари ҳамда 12 та икки қаватли турар жой биноларига замонавий меъморлик андазалари асосида сайқал берилди. «Тантаналар саройи» ҳамда уч қаватли умумий овқатланиш биноси қурилиши ҳам поёнига етай деб қолди. Туман ички йўлларини таъмирлаш, тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги юмушлар белгиланган дастур асосида олиб борилмоқда. Туманнинг Охунбобоев номли ҚФЙда 2 километр сув тармоғи ва битта қудуқ капитал таъмирланди. «Қияли» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам янги сув тармоғи тортилди.

— Маҳалламизда 2 километр сув тармоғи янгиланиб, қудуқнинг ишга тушиши натижасида тоза ичимлик сувига бўлган талаб қондирилди, — дейди маҳалла фаоли Комилжон Деҳқонов.

Янгиланиш ва яшариш айёми Наврўзи олам Балиқчига чиндан-да қут-барака олиб келди.

Абдулҳай ЮНУСОВ, Абдуносир ҚЎЧҚОРОВ

«Касаба-тур — 2014»

Вақт кам, иш кўпдек туюлувчи замонамизда ҳамма ҳам спорт билан шуғулланишга фурсат топавермайди. Аммо шундай спорт турлари борки, улар билан шуғулланиш учун спорт клубига ёхуд залларга бориш учун вақт талаб этилмайди. Англаганингиздек, бу шубҳасиз, велоспортдир. Велосипед миниш орқали ҳам саломатлигимизга фойда келтирамиз, ҳам юмушларимизни осонгина битириб олиш имконига эга бўламиз.

Дадил ва оқилона қадам

Чунки велосипед минганда тана аъзоларининг барчаси ҳаракатга келади, мушаклар чиниқади, нафас олиш равонлашади. Шунингдек, бир маромдаги ҳаракат туфайли асаб тизими ҳам тинчланади. Қолаверса, яқин масофаларга велосипедда бориш ҳам харажатни тежайди, ҳам атроф-муҳитни ифлосланишдан асрайди. Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида катта қизиқиш билан ўтказилаётган «Касаба-тур» веломарафонини айни шу каби мақсадларни амалга ошириш йўлидаги дадил ва оқилона қадам дея баҳолаш тўғри бўлади.

Корхона, ташкилот ва муассасалардаги ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилиш, спорт-соғломлаштириш тадбирлари орқали саломатликларини тиклашга кўмаклашиш, велоспортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида ташкил этилаётган мусобақалар Наманган вилоятидаги 117 та бошланғич ташкилотда уюшқоқлик билан ўтказилди. Мусобақаларда бир ярим мингдан зиёд ҳаваскор иштирок этди. Наманган шаҳридаги велотрек таъмирлангани эса ушбу спорт тури ишқибозлари учун байрам совғаси бўлди.

Учқўрғон туманидаги 8-умумтаълим мактаби жамоаси ҳам велопойгага алоҳида тайёргарлик кўришди. Якунда эса аёллар ўртасида биринчилик Юлдуз Абдулатиповага, эркаклар ўртасида ғолиблик Баҳром Солиевга насиб этди.

— Хулосани ҳамиша тажриба айтади. Бугун ушбу фикр яна бир бор исботини топди, — дейди ҳаяжон билан Юлдузхон.

Чортоқ буюм бозори ишчи-ходимлари ўртасида ўтказилган баҳсда эса Фарҳод Холматов ғолибликни қўлга киритди.

— Ёшлигимдан велосипед минишга, унда ҳар хил трекларни бажаришга қизиқаман, — дейди у. — Велосипедда учиш ҳам қизиқарли, ҳам фойдали. Бугун Чортоқ — Қорабоғ йўналишидаги масофани биринчи бўлиб босиб ўтдим ҳамда касаба уюшмасининг эсдалик совғасини қўлга киритдим. Энг муҳими, совға эмас, ходимларнинг қизиқишига бўлган эътибордир.

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири

Янгиликлар оқимидан

СИРДАРЁ

Шаҳримиз аҳолисини сифатли нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида «E'ZOZ NON» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этдик.

КРЕДИТ ЭВАЗИГА

Бунда бизга «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ Сирдарё минтақавий филиалининг молиявий кўмаги асқотди. Банк ходимлари бизнес режамизни маъқуллаб, қисқа фурсатда 120 миллион сўм миқдорида узоқ муддатли кредит маблағини ажратдилар. Кредит маблағи эвазига замонавий нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган технология сотиб олинди. Натижада, шаҳримизнинг «Бўстон» маҳалласи ҳудудида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик цех ташкил этилди. Ҳозирда Гулистон шаҳар аҳолисига кунига 3200-3300 дона сифатли нон етказиб берилмоқда. Шунингдек, корхонада 8 киши доимий иш билан таъминланган. Уларнинг 5 нафари касб-ҳунар коллежи битирувчиларидир.

Корхона ҳозиргача 300 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Олинган даромад ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ишчи-ходимларни рағбатлантиришга йўналтирилмоқда.

Ж.БОЙҚУЛОВ, Гулистон тумани «E'ZOZ NON» МЧЖ раҳбари

ФАРҒОНА

Тошлоқ туманида «Менфен-ко» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси фаолият кўрсатаётганига 4 йил бўлди. Шунга қарамасдан бу ерда тайёрланаётган рангли полиэтилен пакетлар сифатлилиги боис бозорда ўз ўрнини топиб улгурди.

МОДЕРНИЗАЦИЯ ШАРОФАТИ

— Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш давр талаби бўлиб, ушбу тамойилга қатъий амал қиляпмиз, — дейди қўшма корхона раҳбари Ҳасан Собиров. — Корхонамиз замонавий дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланган. Айни кунларда чарм пойабзал ишлаб чиқариш дастгоҳларини ўрнатиш ва монтаж қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Жамоада 40 дан зиёд ходим ишлайди. Уларнинг 5 нафари касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир. Модернизация ҳисобига яқин кунларда бу ерда иш ўринлари яна 10 тага оширилади.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

ҚАШҚАДАРЁ

«Насаф касаба спорт» шўъба корхонаси ташкил этилганига ҳали ҳеч қанча вақт бўлмади.

ХАЙРЛИ ИШ

— Айни пайтда корхонада ўнта янги иш ўрни яратилиб, улар стадионнинг ҳолатини яхшилаш, ўйинларга тайёрлаш, қўриқлаш, тозалаш ва ободонлаштириш каби юмушларни бажаришяпти, — деди шўъба корхона бошлиғи Зоир Мавлонов.

Жорий йил учун ишлаб чиқилган ривожлантириш дастурига кўра, аҳолига кўрсатилаётган сервис ва пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш орқали қўшимча маблағ ишлаб топиш, уни ташкилотнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириш, кадрлар салоҳиятини оширишни мақсад қилганмиз.

Вилоятда ўтказилган аксарият оммавий спорт тадбирлари шу стадион ва унинг ёпиқ мажмуасида уюштирилади. Демак, «Насаф касаба спорт» ШКнинг хайрли ишлари давом этади.

Ўз мухбиримиз

Ishonch
2014-yil 1-aprel № 41 (3390)



Чет эллик тадбиркорлар ҳамкорлигида ташкил этилган Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги «Lotos gold» масъулияти чекланган жамиятида айни кунда тўрт хил кир ювиш кукуни ишлаб чиқарилмоқда. Корхонанинг қўлда, ярим автомат ва автомат машиналарда кир ювиш учун тайёрланаётган маҳсулотлари 300 граммдан 1800 граммгача бўлган қоғоз ва полиэтилен идишларга қадоқланмоқда.

— Ўтган йили 6 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариб, унинг бир қисмини экспорт қилдик, — дейди «Lotos gold» раҳбари ўринбосари Улуғбек Қудратов. — Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармон ва қарорлари асосида тадбиркорларга берилган имтиёзлар туфайли шундай ютуқларга эришмоқдамиз. Фаолиятимизни кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш имкониятларига эга бўлмоқдамиз.

Яратилган имтиёзлардан фойдаланиш натижасида ўтган йили 800 миллион сўм маблағ иқтисод қилиниб, унинг бир қисмига иккита қадоқлаш ускунаси сотиб олинди. Шу кунларда цехга ўрнатилаётган янги техникалар иш унумдорлигини янада оширади.

Корхонада суюлтирилган силикат ишлаб чиқариш бўлимини барпо этиш ҳам иқтисод қилинган пул маблағи эвазига амалга оширилмоқда. Бунёд этилаётган цехни йил охиригача ишга тушириш кўзда тутилган бўлиб, яна ўн нафар йигит-қиз доимий иш билан таъминланади.

Маҳсулотига талаб ошиб бораётган «Lotos gold»да 87 нафар ишчи-хизматчи фаолият олиб бормоқда. Уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлардир.

Суратларда: *(чапдан) ишчилар Миролим Мирсиддиқов ва Шерзод Розиқов; корхона ишчиси Исроил Комолов.*

Отабек МИРСОАТОВ (ЎзА) олган суратлар

Жамоа шартномаси: у қандай бажарилмоқда?

Барчаси инсон манфаати учун

565 нафар ходим меҳнат қиладиган «Қарши ёғэкстракция» очиқ акциядорлик жамиятида жамоа шартномасининг 2013 йилда бажарилиши муҳокама қилинди. Жамият бошқарув раиси Фазлиддин Аминов ҳамда касаба уюшма қўмитаси раиси Шоди Тошниёзовнинг ҳисоботи тингланди.

— Корхонамиз ишчи-хизматчилари ва ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалардан 420 нафарига, жамоа шартномасига асосан, тўй ва маъракаларни ўтказиш, саломатликларини тиклаши учун 146 773 260 сўмлик моддий ёрдам берилди, — деди касабақўм етакчиси ўз сўзида. — Бундан ташқари, ногирон, боқувчисини йўқотган ва нафақадаги ходимлардан 34 нафарига оилавий шароитини яхшилаши, даволаниши ва дори-дармон сотиб олиши учун 6 947 580 сўмлик моддий кўмак кўрсатилди. Ишчилар ва фахрийлардан 46 нафарига сиҳатгоҳларга йўлланма тақдим этилди. Ишлаш қобилиятини йўқотиб, касалланиб қолган хизматчиларга даволанишлари учун 9559591 сўмлик тўловлар ажратилди.

Жамоа шартномасига асосан, меҳнат муҳофазаси тадбирларига иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси келишувига кўра, 30 миллион сўм сарфланди. Барча цех ва бўлимларда меҳнат қилаётган ходимлар махсус кийим-бош, пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланди. Цех ва бўлимларда эркаклар ва аёллар учун ташкил этилган ювиниш хоналари таъмирланди, санитария-гигиена ҳолати яхшиланди. Барча цех ва бўлим бошлиқлари, бош мутахассислар меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси, санитария-гигиена қоида ва меъёрлари ҳамда хавфсиз иш ўринлари ташкил этиш бўйича аттестациядан ўтказилди.

Бошланғич касаба уюшма қўмитасига алоҳида хона ажратилиб, корхона маблағи ҳисобидан жиҳозлар келтирилди. Энг қувонарли жиҳати, касаба уюшма қўмитаси фаолияти эътироф этилиб, тармоқ ташкилотлари ўртасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг шаҳар ва вилоят босқичи ғолиби бўлди.

Конференцияда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги масъул ташкилотчиси Илҳом Сабдаров ва тармоқ касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши раиси Тўйчи Жуманов сўзга чиқди. Шунингдек, корхона ишчиларидан Зайниддин Хуррамов, Пирмамат Тиллаев ва Исмат Диллиевлар ҳам таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди. Жамиятнинг 2012-2014 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномасига «Соғлом бола йили» Давлат дастури ва устувор йўналишлардан келиб чиқиб, 12 та тадбир ва қўшимчалар киритилди.

Дарвоқе, жорий йилда ходимларга қулай ва хавфсиз меҳнат шароити яратиш мақсадида жамиятнинг 1954 йилда қурилган маъмурий биноси бузилиб, янгисини қуриш режалаштирилган. Шунингдек, жамият ҳудудини ободонлаштириш, Қарши шаҳридаги «Болалар боғи»га кўчатлар экиш ишларига ҳомийлик қилиш ишлари ҳам қизғин давом этмоқда.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Спартакиада

Корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт-соғломлаштириш тадбирлари орқали саломатликларини тиклашга кўмаклашиш, қолаверса, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Гулистон туман кенгаши томонидан «Саломатлик» спартакиадаси ташкил этилди.

Энг таъсирчан тарғибот

— Туманимизнинг ўн бешга яқин ташкилотларидан жалб этилган спартакиада қатнашчиларининг деярли ҳаммаси 30 ёшгача бўлган ходимлар бўлиб, уларнинг 55 нафарини аёллар ташкил этади. Ёшларимиз ўртасида спортнинг оммалашиши, улардаги қизиқишлар бизни қувонтирмасдан қўймайди, — дейди тармоқ касаба уюшмаси Гулистон туман кенгаши раиси Жамила Ҳамроқулова.

Иштирокчилар спортнинг волейбол, мини футбол турлари бўйича беллашдилар. Мини футболда Мирзо Улуғбек номли Агросаноат касб-ҳунар коллежи ходимлари 1-, туман ҳокимлиги 2-, Иқтисодиёт касб- ҳунар коллежи ходимлари 3-ўринни эгаллади. Волейболда Агросаноат касб-ҳунар коллежи, туман Молия бўлими, Иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ходимлари совриндор бўлди.

Ғолиблар ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири

Очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги «Хоразм шакар» қўшма корхонасида 2013-2015 йиллар учун мўлжалланган жамоа шартномасининг 2013 йилдаги ижросига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Муваффақият омили

Бош директор ўринбосари М. Умаров жамоа шартномаси ижроси юзасидан қилинган ишлар хусусида ҳисобот берар экан, корхона қайта ташкил этилган 2006 йилдан буён жамоа шартномасининг барча бандлари ижроси таъминлаб келинаётганини таъкидлади. Ўтган давр том маънода корхона учун юксалиш, тараққий топиш йиллари бўлди. Боиси, 2006 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш 170 минг тоннани ташкил қилган бўлса, ўтган йилда бу кўрсаткич 356 минг тоннадан ошди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг узлуксиз реализация қилиниши пул тушумларини кўпайтириб, корхона молиявий аҳволи ва имкониятини яхшиламоқда. Натижада, ходимларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашнинг муҳим омили бўлган иш ҳақи оширилиб, ой ва йил якунларига кўра мукофот пуллари тўланаяпти. Қолаверса, ўртача иш ҳақи ўсишига эришилди. Шу билан бирга, жамоа шартномаси асосида иш ҳақига қўшимча компенсация ва тўловлар ҳам татбиқ қилинмоқда. Ўтган йили байрам, дам олиш кунлари ва ишдан ташқари вақтда ишлаганликлари учун 530 ходимга 156 млн. сўмдан зиёд, кечки сменада ишловчиларга 944 млн. сўмдан зиёд маблағ тўланди.

Корхонада ишловчи аёллар жамоа шартномасида белгилаб қўйилган барча имтиёздан баҳраманд. Жумладан, 13 нафар аёлга 26 млн. сўмдан кўпроқ миқдорда туғиш олди ва туғишдан кейинги қўшимча нафақалар тўланди.

2011 йилдан буён ходимларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг яна бир усули амалга татбиқ қилинди. Уларга ҳар бир сменада энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида овқатланиш учун компенсация тўлови берилиши йўлга қўйилди. Ўтган йилда ана шу мақсад учун ходимларга 2 млрд. 296 млн. сўмдан зиёд пул ажратилди. Шунингдек, ўтган йили ходимларнинг қўшимча таътиллари учун 244 млн. сўмдан зиёд қўшимча ҳақ тўланди. Корхона ташкил қилинганидан буён ходимларга бепул тиббий ва автотранспорт хизмати кўрсатиб келинмоқда. Ўтган йили тиббий хизмат кўрсатиш 7,3 млн. сўмни ташкил қилди.

Касаба уюшмаси билан ҳамкорликда нишонланадиган байрам тадбирларида фаол ходимлар рағбатлантирилиб, кам таъминланганларга моддий кўмак берилмоқда. Ходимлар ва уларнинг фарзандлари саломатлигини тиклаш учун корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан етарли миқдорда маблағ ажратилмоқда.

Корхона касаба уюшма қўмитаси раиси М. Бобожонов маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси мунтазам равишда турли танловлар уюштириб келётганига эътиборни қаратди. Саёҳатлар, зиёрат сафарлари уюштирилаяпти. Ўтган йили 35 нафар ходим касаба уюшма ижтимоий суғурта маблағи ҳисобидан, 10 нафар ходим корхона ҳисобидан санаторийларда дам олдирилди.

2008 йилдан буён корхона ва касаба уюшма қўмитаси маблағи ҳисобига ташкил қилинган кутубхона фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирда кутубхонада 1500 дан зиёд китоб фонди мавжуд. Умуман, ходимлар дунёқарашини янада кенгайтириш масаласига эътибор кучайиб, шу мақсадда «Маънавият соатлари» мунтазам ўтказилишига эришилмоқда.

Йиғилишда жамоа шартномасига янги бандлар киритилди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Хоразм вилояти масъул ташкилотчиси Б. Ибрагимов, тармоқ касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши раиси Б. Сапарбоев ва бошқалар жамоа шартномаси ижросини таъминлаш юзасидан корхона маъмурияти ва касаба уюшма ташкилоти томонидан амалга оширилган ишларни эътироф этиб, шу билан бирга, фойдаланилмаган имкониятлар, амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар хусусида тўхталишди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА, «Ishonch» мухбири

Сир эмаски, агросаноат тизимига қарашли фермер хўжаликлари бошланғич касаба уюшмалари фаолиятида анчагина муаммолар тўпланиб қолган. Уларни босқичма-босқич ҳал этишда тармоқ касаба уюшмалари ҳудудий кенгашларининг кенг кўламли амалий ишлари ўзининг ижобий самарасини бера бошлади.

Ўнгланиш

Дўстлик туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кенгаши томонидан ташкил этилган ўқув-семинар ҳамда жамоа шартномаси ижроси муҳокамасига бағишланган йиғилиш иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

— Мазкур тадбирни одатдагидек туман марказида эмас, олис қишлоқ — «Янгиобод» ҚФЙ ҳудудидаги «Саркисов-Навбаҳор» сув истеъмолчилари уюшмасида ташкил этганимиз бежиз эмас, — дейди тармоқ ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Маҳмуд Яхшиликов. — Хўжалик туманимиздаги энг йирик ва шу билан бирга, илғорлар сафида эканлиги боис ҳам намунали жиҳатлар кўп.

Анжуман иштирокчилари дастлаб хўжалик маъмурияти ва касаба уюшма фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Жамоа шартномаси ижроси юзасидан сўзга чиққан СИУ касаба уюшма қўмитаси раиси Файзулла Астанақулов таъкидлаганидек, ҳудудда 56 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳар бир жамоада ходимга етарлича меҳнат шароити яратилган. Ишнинг «Дала масъулияти — фермер мажбурияти» шиори асосида ташкил этилиши фаолиятда жуда қўл келаётир. Мавжуд 4456 гектар экин майдонидан йил сайин унумли ва самарали фойдаланилиб, белгиланган режа ортиғи билан бажарилмоқда.

Ҳисобот даврида ходимларнинг 15 нафар фарзанди ёзги оромгоҳларда, 20 нафар ходим эса мамлакатимизнинг турли сиҳатгоҳларида дам олдирилди. Бироқ муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, ходимларнинг иш берувчи томонидан ўз вақтида суғурталанмаётгани, хавфсизлик тахникаси муҳандиси лавозими жорий этилмаганига эътибор қаратилди.

«Жаҳонгир» фермер хўжалиги раҳбари Баҳром Саидқулов, «Олтин дала» фермер хўжалиги бошлиғи Умарқул Жумабоев, касаба уюшма фахрийси Мурод Мамараҳимовлар ҳам ўз таклиф-мулоҳазаларини билдиришди.

Тадбир сўнгида касаба уюшма фаолларидан бир гуруҳига янги аъзолик билетлари топширилди.

Абдуманнап АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Қучоқ очиб халқ ичига борайлик

(Давоми. Бошаниши 1-саҳифада).

Тадбир доирасида Самарқанд шаҳрининг «Сўғдиёна» ва «Ёшлик» боғларида, Университет хиёбонида халқ сайиллари, миллий таомларнинг кўргазмалари, халқ ўйинлари ва асрлар давомида эъзозланиб келаётган анъана ва удумларимиз намойиши юқори савияда ташкил этилди. Наврўз шодиёналарида Самарқанд вилояти ҳокими З.Мирзаев, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Т.Нарбаева, Самарқанд вилоятининг шаҳар ва туман ҳокимлари, шунингдек, зиёлилар, пойтахтимиздан ташриф буюрган 20 нафардан зиёд эл севган таниқли санъаткорлар ва эстрадамиз юлдузлари ҳамда 35 мингдан зиёд маҳаллий аҳоли иштирок этди.

Самарқанд шаҳридаги «Офицерлар уйи»да ташкил этилган маданий-маърифий тадбир ҳам Наврўзи оламнинг нафақат табиат, балки жамият ва инсон қалбига янгиланишлар ва эзгуликлар ҳадя этадиган улуғ айём эканлигини яна бир карра исботлади. Байрам тадбирида 400 нафардан зиёд ҳарбий қисм аскарларининг иштироки таъминланди.

Каттақўрғон шаҳридаги «Каттаминг» МФЙдаги Иқтисодиёт коллежида, туман марказидаги «Дўстлик» ўйингоҳида ўтган тарғибот-ташвиқот ва маърифий тадбирларда ҳам юртимизда амалга оширилган ислоҳотлар, кенг бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, соғлом авлод камоли йўлидаги эзгуликлар алоҳида эътироф этилиб, миллий байрамимиз Наврўзнинг ҳаётбахшлиги таъкидланди. Шунингдек, тарғибот гуруҳи аъзолари шу куни туманда ташкил этилган байрам тадбирида иштирок этишди. Наврўз шодиёналарида қатнашган 9 мингдан зиёд аҳоли қалби шу куни тинч ҳаётнинг қадри, шукроналик туйғуси ва улуғ айём шукуҳи билан тўлиб-тошди.

Нуробод туманидаги Иқтисодиёт ва сервис, Нуробод мактабгача таълим касб-ҳунар коллежлари, 18-мусиқа ва санъат мактабида уюштирилган маърифий тадбирлар ҳам унда иштирок этган 950 дан зиёд жамоатчилик вакиллари хотирасида узоқ вақт қоладиган бўлди.

Нарпай, Жомбой, Ургут туманларида ташкил этилган жонли мулоқотлар ва байрам шодиёналарида ҳам Наврўз байрамининг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, меҳру саховат, кексаларга ҳурмат, ёшларга эҳтиром кўрсатиш, энг муҳими, кўтаринки кайфият ва хурсандчилик ўз аксини топди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Самарқанд вилоятида ўтказилган маданий-маърифий, тарғибот-ташвиқот тадбирларида кенг жамоатчиликнинг иштироки таъминланди.

Сардор ЯКУБОВ, ЎзКУФК маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси

«Касаба сайр»

Санъаткорлар ҳамроҳлигида

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги «Касаба сайр» шўъба корхонаси ҳамда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Навоий вилояти бўйича масъул ташкилотчиси ҳамкорлигида фермер хўжаликларининг 50 нафар вакиллари Самарқанд шаҳрида саёҳатда бўлдилар.

— Бизга Кармана туман маданият ва спорт ишлари бўлимининг Ойбек Собиров, Фахриддин Қодиров сингари санъаткорлари ҳамроҳлик қилишди. Дилбар қўшиқ ва яллалар оҳанги остида йўл чарчоғи ҳам сезилмади, — дейди гуруҳ қатнашчиларидан Ҳикматулла Сафаров. — Дастлаб Имом ал-Бухорий мажмуасини зиёрат қилдик. Сўнгра «Бибихоним» масжиди, «Шоҳизинда» мажмуаси, «Гўри Амир» мақбараси, «Мирзо Улуғбек» расадхонасида бўлдик. Самарқандда юз бераётган ўзгаришлар бизда катта таассурот қолдирди.

Апрел ойига мўлжалланган галдаги саёҳат эса Хоразм вилояти бўйлаб давом эттирилади.

Ўз мухбиримиз

Эътибор

Жамоа шартномалари бандларининг бажарилишида маъмурият ҳамда касаба уюшма ташкилотининг бирдек масъулият кўрсатаётгани муваффақият омили бўлаётир. «Бекободцемент» ОАЖда жамоа шартномасининг 2013 йилги якунига бағишланган йиғилишда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Унда, жумладан, ОАЖ бош директори Ҳамза Абдуллаев шундай деди:

— Корхона касаба уюшма ташкилотининг ўтган йилги фаолиятини, ўйлайманки, йиғилиш иштирокчилари ижобий баҳолашади. Лекин, таъкидлаш лозимки, ҳали амалга оширилиши зарур бўлган юмушлар анчагина. Жумладан, цех қўмиталари фаолиятини янада жонлантириш, шунингдек, корхона ҳудудида экологик шароитни яхшилаш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан. Энг асосийси, маъмурият ҳамда касаба уюшма ташкилоти ҳамкорликда ҳар бир ишчида ўзи ишлаётган корхона тақдири учун масъулият ҳиссини тарбияламоғи зарур.

— Жорий йилнинг 31 январ ҳолатига кўра корхонамизда 2037 нафар ишчи меҳнат қилмоқда, — деди, жумладан, касабақўм раиси Азамат Худоёров. — Уларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда жамоа шартномасининг ўрни ниҳоятда катта бўлмоқда.

Дарҳақиқат, амалга оширилган ишлар кўп. Хусусан, йиллик меҳнат таътилига чиқиш учун махсус режа тузилган бўлиб, ойлик маош ҳам муттасил ошиб бормоқда. Шу билан бирга, тунда ишловчиларга қўшимча иш ҳақи тўланяпти.

Моддий ёрдам кўрсатиш даражаси ҳам кўнгилдагидек. Моддий ёрдам тарқасида 306 нафар кишига 33 млн. сўмдан зиёд маблағ тарқатилди. Қишки мавсум олдидан ишчиларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилишларига кўмаклашилди. Ишчи-хизматчиларнинг олий ўқув юртларида таҳсил олаётган фарзандлари учун 67 млн. 235 минг сўмлик контракт тўловлари қоплаб берилди. Биринчи бор оила қурган ёш ходимларга 65 млн. 235 минг, биринчи фарзанди туғилган ишчиларга 32 млн. 959 минг сўм моддий ёрдам берилди. Фахрийлар ҳам маъмурият ҳамда касаба уюшма қўмитаси эътиборидан четда қолмади.

Меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш борасида ҳам ижобий ўзгаришларга эришилди. Ўтган йил турли сиҳатгоҳларга 166 та йўлланма берилди. Корхонага қарашли «Цементчи» болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳида реконструкция ишлари амалга оширилди ва тўртта ётоқхона мажмуаси қайтадан қурилди. Белгиланган режага кўра 450 нафар ўрнига 461 нафар бола дам олдирилди. Шундан 111 нафари корхона ҳисобидан бепул соғломлаштирилди. Кези келганда, 1336 нафар аъзо тиббий кўрикдан ўтказилганлигини қайд этиш лозим. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими томонидан жамоатчилик асосида сайланган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар йил давомида ўқитиб борилди. Барча ишчилар махсус кийим-бош, пойабзал ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланди...

Ҳисобот юзасида сўзга чиққан клинкер цехи касаба уюшма қўмитаси раиси Абдуваҳоб Эшонов, корхона фахрийлар кенгаши раиси Зоя Касаткиналар жамоа шартномаси бандлари бажарилишини бундан-да яхшилаш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Йиғилишда Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Ўктам Турғунов қатнашди ва сўзга чиқди.

Неъмат РАФИҚОВ, «Ishonch» мухбири

Ўзбекистон — кўпмиллатли аҳил оила

Конституциямизнинг 18-моддасида «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимой мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар», деб белгилаб қўйилган. Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Қашқадарёда ҳам барча миллат ва элатларнинг қадриятларини асраб-авайлаш ва ривожлантириш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Аҳиллигимиз боқий

— Халқимизнинг аҳиллиги, муштарак мақсадлар билан яшаётганлиги «Шу азиз Ватан — барчамизники», «Ватан ягонадир, Ватан биттадир», деган эзгу ҳикматларни дунёга келтирди, — дейди Нишон тумани ҳокими Мухтор Ҳайитмуродов. — Бундай қарашлар истиқлол даврида шаклланган ва тобора теран илдиз отаётган умуммиллий мафкурамизнинг етакчи тамойилларидир.

Қудратимиз аҳиллик ва ҳамжиҳатликда. Мустақилликнинг дастлабки дамларидан «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзуида фестивал ва маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш доимий анъанага айланди.

— Янги Нишон, Талимаржон шаҳри ва Нуристон шаҳарчасида 31 миллат ва элат вакиллари ўзаро ҳамжиҳатликда тинч-тотув яшаб келмоқда, — дейди вилоят кенгаши депутати, «Кимёгар» фуқаролар йиғини раиси Гулсум Хуррамова.

Миллати рус бўлган Любов Красилова Талимаржон ИЭСнинг дастлабки пойдевори қўйилган пайтдан бошлаб шу заминда умргузаронлик қиламиз. Ёши етмишни қоралаган бу аёл кўплаб фарзандларни тарбиялаб вояга етказган.

— Қўшниларим билан опасингилдек бўлиб кетганмиз, — дейди табаррук онахон. — Агар тандирда нон ёпишса, «иссиққина, татиб кўринг», деб мулозамат қилишади. Айниқса, ўзбек халқининг ширинсуханлиги, инсонпарварлиги, кексаларни ҳурмат қилишини беҳад қадрлайман.

Татар миллатига мансуб Уляна Арслонова учун ҳам ўзбекона анъаналар, урф-одатлар ўзиники бўлиб кетган. Талимаржон иссиқлик электр станциясининг кадрлар бўлимида ишлаётган бу бағрикенг аёлни ҳамма ҳурмат қилади.

— Истиқлол туфайли бутун мамлакатимизда бўлгани каби шаҳарчамиз ҳам чирой очди, — дейди опа мамнуният билан.

Бағрикенглик — барқарорлик демак. Жамиятимизда ҳамманинг бирдек бунёдкорлик ишларида камарбаста бўлиб, шу ватан тараққиёти ва юрт тинчлиги, осойишталигига дахлдорлик ҳисси билан яшаши, буюк келажак йўлида якдиллиги эзгу амалларнинг тантанасидан далолатдир.

Иззат ҲИКМАТОВ

ЁХБ огоҳлантиради

Мамлакатимизда аҳоли даромадларининг кун сайин ошиб бораётгани шахсий уй-жой қурувчилар сонининг ошишига, қурилиш моллари турининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Бироқ бозорларимизга ноқонуний йўллар билан келиб қолаётган маҳсулотлар ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ жавоб бермаслиги нохуш ҳолатларга сабаб бўлмоқда.

Ўзини асраганни...

Сергели туманида яшовчи Санжар исмли фуқаро янги қурилган уйини нақшлар билан безашга ошиқавермай, тархни хавфсизлик қоидаларидан келиб чиқиб чизганида, эҳтимол унинг икки фарзанди қуйиш тан жароҳати олмаган бўларди. Уй битиб, оила кўчиб ўтганига кўп вақт бўлмаганди. Тунда ёниқ қолдирилган меҳмонхонадаги камин ғиштлари қизиб, устидаги безакларнинг ёнишига олиб келди. Ёнғин жиҳозларга ўтиб, кучайиб борди. Бу вақтда ширин уйқуда бўлган оила аъзолари меҳмонхонадаги олов аллақачон чиқиш йўлини беркитиб қўйганини билишмасди ҳам. Санжар тутун нафасини бўға бошлаганда уйғонди. Нима юз берганини англаб, болаларини хавфсиз жойга кўчиришга уринди. Бироқ болалар хонасига бориладиган даҳлиз аланга ичида эди. Натижада, болалар олов устидан югуриб ўтишига тўғри келди ва қуйиш тан жароҳати олди. Бундан ташқари, ЁХБ ходимлари етиб келгунига қадар қўшни хонадон томи ҳам ёнғин ичида қолди.

Бундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун уй қуриш вақтида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини инобатга олиш, қўшни хонадонлар билан оралиқ масофа талабига риоя қилиш, газ, электр тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ўзимиз ва яқинларимизнинг соғлиғи, қолаверса, не заҳматда орттирилган мол-мулкни асрашда муҳим рол ўйнайди.

Александр ХАН,
Сергели туман ИИБ ЁХБ 10-ХЁХҚ бошлиғи, майор

Касаба уюшма фаоллари ижодидан

ВАТАН

Ватан зар тупроғим, тиниқ осмоним,
Қайрилмас қанотим, буюк имконим,
Яшнаган боғ-роғим, гўзал бўстоним,
Сенсан жон мулкида қутлуғ жаҳоним,
Бахтим, шараф-шоним, Ўзбекистоним.

Руҳимда боболар армони уйғоқ,
Эрк учун шайх Кубро кўтарди байроқ,
Араб ва ажамда даҳо Жоруллоҳ
Илму урфонимсан, маъданим, коним,
Олтин бешигимсан, Ўзбекистоним.

Башар идрокига бағишлаб зиё,
Хоразмий «Ал-жабр» этганди иншо,
Барҳаёт Беруний яратган дунё,
Замонлар қаридан туҳфа ошёним,,
Нурбахш зиёкорим — Ўзбекистоним.

Мангуберди қилди кўксини қалқон,
Ташланди ёғийга мисли зўр вулқон,
Ва қолди мангуга — миллий қаҳрамон,
Тоғдай бардошлигим, марду майдоним,
Эътиқод, иродам — Ўзбекистоним.

Ҳаёт бу, йиқилмоқ, турмоқ бор такрор,
Мардлар майдонида бугун сен ҳам бор,
Истиқлол туфайли топди бахт қарор,
Мадҳингни куйлашга бийрон забоним,
Янграган созимсан, Ўзбекистоним.

Сенга бағрин очди жумлаи жаҳон,
Фахру ҳавас билан боқар ҳар инсон,
Истиқлол мангудир, мангу шараф-шон,
Бахт билан битилган энди достоним,
Иймоним, иқболим — Ўзбекистоним!

Отаназар ҚУРБОНБОЕВ,
АСМ ходимлари касаба уюшмаси Қўшкўпир туман кенгаши раиси

ИҚТИДОР БОР ЭКАН...

Юртимиз ёшлари ўзларига яратилаётган шароитлардан унумли фойдаланиб, кўплаб ютуқларга эришмоқда. Улардан бири Феруза Раҳимовадир. У мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ санъаткор бўлишни кўнглига тугди. Шу истак уни Ўзбекистон давлат консерваториясига томон ундади. Ҳозирда консерваториянинг шарқ мусиқаси факультети, анъанавий чолғу ижрочилиги йўналиши 2-босқичида таҳсил олаётган умидли қиз ўқиш билан бир қаторда кўплаб танловларда қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритиб келаётир. Жумладан, 2011 йилда Самарқандда бўлиб ўтган «Ёш ижрочилар» кўрик-танловида дутор чолғуси йўналиши бўйича қатнашиб, учинчи ўринга лойиқ топилди.

Аҳмад ТЎРА олган сурат

Бор бўл, оқибат!

МЕҲР ВА ЭЪТИБОР

Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» акцияси доирасида Бухоро «Мурувват» ногирон болалар интернат уйи тарбияланувчиларига совғасаломлар улашди.

МАНЗИЛЛИ ЁРДАМ

Наврўз умумхалқ байрами ва «Соғлом бола йили» Давлат дастурига асосан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида 20 нафар қам таъминланган касаба уюшма фаолларига энг кам иш ҳақи миқдорида манзилли ёрдам кўрсатилди.

Лобар БАРАКАЕВА,
Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг етакчи мутахассиси

Орамиздаги одамлар

Интилганга толе ёр, деганларидек, Эътиборхон Мирзаева ёшлик пайтларида оқ халатли шифокорларга ҳавас қиларди. Марғилон шаҳридаги 7-ўрта мактабни аъло баҳолар билан тамомлаган қиз 1968 йили Андижон давлат тиббиёт олийгоҳининг даволаш факультетига ўқишга кириб, 1974 йилда институтни имтиёзли тугатди.

ЖОНКУЯР

Ёш мутахассис меҳнат фаолиятини Марғилон шаҳар юқумли касалликлар шифохонасида врачликдан бошлади. Бўлим мудири, бош врач муовини вазифаларида 20 йил ишлади. 1994 йилдан бошлаб шаҳар 1-, ва 4- оилавий поликлиникаларида, 2009 йилдан ҳозиргача кўп тармоқли марказий поликлиникада врач-инфекционист вазифасида ишлаб келяпти.

Унинг «Косибчилик», «Йўрмадўз», «Хўжа Парсо» маҳаллалари аҳолиси тиббий маданиятини ошириш, болалар ўртасида учрайдиган сувчечак, қизамиқ, қизилча, ич терлама касалликлари тўғрисидаги суҳбатлари ўзига хос профилактика вазифасини ўтаётир.

— Шифокоримиздан беҳад миннатдормиз, — дейди «Хўжа Парсо» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи, иккинчи жаҳон уруши фахрийси 95 ёшли Аҳмадхон ота Тиллахўжаев. — Эътиборхон туфайли саломатлигимдан хавотирим йўқ. Боз устига, унинг ширинсуханлигини айтмайсизми! Маҳалламиз аҳли унинг беминнат хизматидан мамнун.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси

Стол тенниси

Очиқ биринчилик

Зарбдор туман Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 2001, 2002, 2003 йилларда туғилган ўсмир ва қизлар ўртасида стол тенниси бўйича республика очиқ биринчилиги баҳслари якунига етди. Беллашувда барча вилоятлардан 150 дан зиёд ўқувчи иштирок этди.

Мусобақа Жиззах вилоят болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти, БЎСМ ҳамда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Зарбдор туман кенгаши ҳамкорлигида ўтказилди.

Қизғин кечган баҳсларда Наманган, Бухоро, Самарқанд вилоятлари жамоаларининг қўли баланд келиб, фахрли ўринларни эгаллашди.

Совриндорларга ташкилотчиларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Бердиали АБДУАЛИЕВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Зарбдор туман кенгаши раиси

Ёш ишчи минбари

Мамлакатимизни иқтисодий жиҳатдан юксалтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг илк меваси сифатида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлигида Асакада автомобилсозлик заводининг қурилиб, фойдаланишга топширилгани юртимиз саноатида муҳим бурилиш ясади. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўнлаб янги қўшма корхоналар ишга туширилди.

Яхшиларга ёндашдим топмадим зиён дерман

Мен меҳнат қилаётган «Ўз-Донг Жу Пэинт Ко» қўшма корхонаси ҳам ана шу дастур натижаси ҳисобланади. Ҳадемай 17 йиллиги нишонланадиган мазкур Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 30 майдаги қарорига асосан ташкил этилган бўлиб, 1997 йилда илк маҳсулотини бера бошлади. Корхона таркибидаги 5 та цехда автомобил ва қурилиш-саноат бўёқлари, автомобилларга резина жипсловчи қисмлар ишлаб чиқарилади. Маҳсулотлар Асакадаги «GM – Uzbekistan», Самарқанддаги «Самавто», «Ўз-Тонг Хонг ко», «Ўз-Семюнг», «Ўз-Корам Ко» ва «Ўз-Аустем» корхоналарига етказиб берилмоқда, Чет мамлакатларга ҳам экспорт қилинмоқда. 200 нафарга яқин ишчи билан фаолиятини бошлаган корхонада ҳозирда 600 нафарга яқин ходим меҳнат қилаётир.

Ўтган йиллар давомида корхонамиз шарафли йўлни босиб ўтди. Дастлабки йилларда малакали мутахассисларга эга бўлиш мақсадида бир гуруҳ ишчилар Жанубий Кореяга малака оширгани жўнатилди. Корхонани оёққа турғазишда жонбозлик кўрсатган Раҳимжон Ибрагимов, Абдуллажон Сотволдиев, Саиджон Умаров кабилар бизнинг фахримиз.

Модернизация жараёни ва ишни тўғри ташкил этиш натижасида корхона йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Айни пайтда корхонанинг лок-бўёқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича йиллик қуввати 11 минг 500 тоннани ташкил этади. Резина жипсловчи қисмлар ишлаб чиқаришда эса бир йилда 230 минг дона автокомплект тайёрлашга эришилмоқда. Бу меҳнат зафарларида, албатта, фидойи, жонкуяр ишчиларнинг хизмати беқиёс. Жумладан, «Тара» ишлаб чиқариш цехи ишчилари Раҳимжон Жумабоев, Нодирбек Обидов, Носиржон Юсупов; «Қурилиш бўёқ» цехидан Ёқубжон Мирзаев, Баҳромжон Турсунов; «Автобўёқ» цехи ишчиси Шокиржон Бўроновларнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз. Шунингдек, «Қайта ишлаб чиқариш» цехи ишчиси Файзулло Низомов, Сервис хизматидан Олимжон Отабоев ва Азимжон Ҳайдаровлар билан ҳам фахрланамиз.

Корхонада 2011 йил январ ойида «Инновация» бўлими ташкил этилиб, янги ғоялар устида ишлаш, янги маҳсулот яратиш ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш асосий вазифа этиб белгиланди. Бўлим жиҳозланган лабораторияга эга. Бу ерда бир қатор маҳсулотлар ишлаб чиқаришга жорий этилган бўлиб, сифат ва самарадорлиги эътироф этилаяпти.

Ишчиларнинг унумли меҳнат қилиши учун корхонада барча шароит яратилган. Ходимларни соғломлаштириш, дам олишини ташкил этиш ҳамиша корхона бошланғич касаба уюшма қўмитаси диққат марказида. Касабақўм раиси Сардорбек Латипов ишчиларнинг суянган тоғи.

Корхонада ҳафтанинг ҳар шанбаси «Спорт куни» деб эълон қилинган. Стол тенниси, шахмат-шашка, волейбол ва футбол бўйича корхона биринчилиги мунтазам ўтказиб келинади. Футбол жамоамиз «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси томонидан ҳар йили Наврўз ва Мустақиллик байрамлари муносабати билан уюштириладиган мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Айни пайтда корхона футбол клубининг иқтидорли ёш футболчилари Ўзбекистон чемпионати мусобақаларига қизғин тайёргарлик кўришмоқда.

Мен 2010 йилдан бери шу корхонанинг «Тара» ишлаб чиқариш цехида ишлайман. Цех бошлиғи Валишер Муродалиевдан нафақат касб сирларини, балки ишга муносабат, инсонийлик ва муомалани ҳам ўргандим. Тўғриси, жамоада янги иш бошлаган пайтимда «ишлаб кета оламанми?» деган савол кўнглимдан ўтганди. Аммо ташвишларим ўринсиз бўлиб чиқди. Яхшилар билан ёнма-ён ишлаш ўзимга бўлган ишончни орттирди.

Куч-қувватимни корхонамизнинг бундан-да равнақ топиши йўлида сафарбар этишни ният қилганман.

Эркинжон ҚОБИЛОВ,
«Ўз-Донг Жу Пэинт Ко» қўшма корхонаси ишчиси

Реклама ва эълонлар

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Toshkent mintaqaviy filiali» бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога «Угам Чотқол» Давлат табиат миллий боғининг 2014 йил 3 мартдаги 74 и/ч-сонли буйруғи ва 2014 йил 19 мартдаги 64-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти Бўстонлиқ туман Искандар қўрғони, Фурқат кўчаси 112-уй манзилида сақланаётган, давлат рақами 10 267 SAA бўлган 1998 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз, «Нексия» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 6 526 288 сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 2 май куни соат 11:00да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 30 апрел куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2014 йил 2 май куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 12, 19 май кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2014 йил 12 майдаги такрорий савдо учун 8 май куни соат 18:00; 19 май савдо учун 16 май куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Амир Темур шоҳ кўчаси, 19-уй. 233-28-52. www.rmm.uz.

Хизматлар лицензияланган.

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объект номи:
ЛОТ-3
ЛОТ 3-2 «Фарғона вилояти, Бешариқ тумани Янгиқишлоқ қишлоғидаги 42-мактабни мукаммал реконструкция ишлари» (300 ўринли ТП 224-6-51с.04 қўшимча ўқув блоки қурилиши билан).
Муддати — **1.08.2014 й.**
Бошланғич нархи — **663 696 583 сўм ҚҚСсиз ва 796 435 900 ҚҚС билан.**
Буюртмачи: **«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.**
Манзил: Фарғона шаҳар Темирйўлчилар кўчаси 37, тел. (8 595) 401-52-01.
Қурилиш-таъмирлаш ишлари: Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини таъминлаш, реконструкция ва мукаммал таъмирлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
Кичик бизнес субъектлари учун квота —100%.
Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:
ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.
Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.
Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин.
Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37-уй, телефон/факс: 373-244-55-32
Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм.
Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.
Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн беш (15) кундан кейин, *Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37-уй* манзилида ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Низомий номидаги ТДПУ ректорати, касаба уюшма қўмитаси ҳамда Физика-математика факултети жамоаси «Математика ва уни ўқитиш методикаси» кафедраси профессори **Абдуҳолиқ ЮНУСОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ishonch
2014-yil 1-aprel № 41 (3390)

1 апрел — Кулги куни

ТЎҚИЛМАГАН ҲАНГОМА

Эргаш ака билан «Миниатюралар театри»да бирга ишлаймиз. 1 апрел куни эрталаб, устозни кулги байрами билан табриклаб қўяй деб, қўнғироқ қилдим.

— Ассалому алайкум.

— Ваа — лайкум ассалом, — дастакдан Эргаш аканинг майингина овози эшитилди.

— Яхши дам олдингизми? Кайфиятларингиз яхшими?

— Ҳаммаси жойида, — Эргаш ака бироз ўйланиб сўраб қолди. — Нечук эрталабдан биз ғаريбларни йўқлаб қолибсан?

Сездимки, бугун кулги эканлиги устознинг хаёлидан фаромуш бўлган. «Ҳужум»ни бошладим:

— Меҳмонлар ўтишмадими?

— Қанақа меҳмонлар?

— Телевидениенинг бошлиқлари...

— Ие, улар бизникида нима қилишади? — Эргаш ака ростакамига ажабланди.

— Ҳа, Эргаш ака билан дилдан гаплашиб, кулишиб келайлик, — дейишаётганди.

— Қачон келишмоқчи эди?

— Соат ўн-ўн бирларга ўтамиз, дейишганди.

— Бўпти-да, — Эргаш акам хомушгина бўлиб дастакни жойига қўйди.

«Яхши иш бўлмади-ёв! — деб ўйладим ўзимча. — Раҳбарларга қўнғироқ қилиб юбормаса, бўлгани».

Телефон жиринглади.

— Саиджон, — дастакдан Роза опанинг овози келди. — Яхши юрибсизми?

—Раҳмат.

— Сиздан илтимос, укажон, энди рўзғор деган нарсани биласиз... Шунга оғайниларингизга айтсангиз...

— Қайси оғайниларимга? — ҳайрон бўлиб қолдим.

— Телевидениедаги-да, ҳаммасини танийсиз-ку! Ўн бирларга келамиз, дейишган экан, шу... иккиларга келса... Айтинг, илтимос.

Ҳазилимнинг бунчалик зилга айланиб кетишини ўйламагандим.

— Энди, ўзингизга маълум, — Роза опа давом этди, — рўзғор деганларини биласиз, ҳали у нарса кам бўлади, ҳали буниси... Улар катта одамлар бўлса, майлими?

— Хўп, майли, — дедим ноилож.

Шундай улуғ санъаткорларга ҳазил қилганимдан пушаймон бўлдим. Дам ўтмай яна қўнғироқ жиринглади.

— Айтдингизми?

— Ҳа-а...

— Раҳмат сизга, Эргаш акангизни бозорга жўнатдим. Ўзингиз ҳам албатта, келинг.

Тамом бўлдим. «Эртага ишда Эргаш акангдан балога қолдинг, Саид! Миниатюрадан ҳайдалиб кетсанг ҳам ажабмас!» деб қўйдим ўзимга-ўзим.

Эртасига минг ўйлар билан ишхонага кириб бордим. Эргаш акага кўринмасам, дейман-да! У киши уч-тўрт артистлар билан кулишиб ўтирган экан, менга кўзи тушиб, қошини бир ўйнатиб қўйиб, бош чайқади.

— Ҳа, қилғилиқни қилиб қўйиб, четда турибдилар! — деди маънодор оҳангда. — Келаверсинлар, келаверсинлар, ё оёқларининг остига қўй сўйяликми?

Ҳаммалари билан сўрашдим. Эргаш ака қўлимни қўйвормай, ёнларига ўтқазди.

— Кеча мени бу ёмон боплади, — деди савол назари билан қараб турган даврадагиларга бир-бир кўз ташлаб. — Эрталаб қўнғироқ қилади: «Меҳмонлар бордими?» деб. «Қанақа меҳмон? Бизникида нима қилишади?» деб сўрадим. «Телевидениедан ўртоқлар бормоқчийди?» деди. «Бу ёғи меҳмонлар келяпти экан!» дедим Розага. У дарров бир қулоч бозорлик рўйхатини қўлимга тутқазиб, «Иккиларга келса яхши бўларди, ўн бир бўлибди, тезда бозор қилиб келинг!» деди. Ёмғир ёғиб турибди. Камига кўчага чиқишим билан таниш-билишлар учраши тайин. «Соғмисиз? Саломатмисиз? Кўринмайсиз? Розахон яхшими? Миниатюраларни боплабсизлар, кўриб маза қилдик. Аммо...» дейишиб ҳоли-жонимга қўйишмайди. Бир соат деганда бозорга кириб борсам-а! Сотувчилар ҳам анойи эмас. Атрофимни ўраб олишган: «Эргаш ака бир келиб қолибсиз, янгисидан эшитайлик. Бир кулдиринг!» Ўзим бўларим бўлиб, йиғлагудай бўлиб турибман, дам соатга, дам ёмғирга қараб, буларни кулдирармишман. Соат бир бўлди! Бозорликни кўтариб, кўчага шошдим. Биров бозорлик сумкамни тортади. Қарасам, тақамўйлов бир йигит илжайиб турибди:

— Ия, Эргаш ака, ўзингизми? Саломатмисиз? Сизни кўрар кун ҳам бор экан-ку! Эсласангиз, Тўйтепадаги тўйда кўришгандик. Садир ака билан бирга боргандиларинг. Мен сизларга чой ташиб тургандим. Боқижон аканинг тўйида-да! Молиёда ишларди-ку? Кейин кўтарилди. Лекин икки йил ишламай оёғи осмондан бўлди. Ҳозир Тўйтепанинг бозорида паттачилик қиляпти. Ўзиям жуда бурни кўтарилиб кетганди-да!..

— Яхши-яхши, — деб атрофга аланглайман, бирорта такси учраб қолармикан, деб. Тақамўйлов елим экан, қўлимни қўйворай демайди.

— Шошиб тургандим, — дедим унга. — Меҳмонлар келмоқчи эди.

— Шошаётган бўлсангиз, биз олиб бориб қўямиз-да! — тақамўйлов жавобимни ҳам кутмасдан сумкамни кўтариб, машинаси томон юрди. — Бу машинани сиздақа акаларга хизмат қиламиз деб олганмиз. Қани ўтиринг, кетдик.

Машинага ўтиришим билан орқадан овоз келди:

— Олдин бизни Юнусободга ташлаб қўясиз-а?

— Албатта. Тегирмон навбати билан деган гаплар бор, — тақамўйлов менга юзланди. — Нима дедингиз. Эргаш ака?

Бош қимирлатдим. Уйим Чорсу бозорининг шундай биқинида бўла туриб, Юнусободга қараб кетдик. Манзилга етиб, ортга қайтдик:

— Тезроқ юринг, меҳмонлар келадиган, — дедим ҳайдовчига.

— Бўлди, бир оғиз сўзингиз.

Шунақа пайтда, акс бўлади-да! Ёмғир шунақанги қуйяпти, ойна тозалагич улгуролмаяпти. Кўзим йўл четида, боласини бағрига босиб, шалоббо бўлиб кетган ёшгина келинчакка тушди.

— Тўхтанг! Олиб кетайлик! — деб юборганимни билмай қолибман.

Аёл машинага ўтириши билан:

— Қўйлиққа ташлаб қўясиз! — деди.

Ичимни ит тирнаса-да, тишимни тишимга босдим. Қўйлиққа қараб кетдик.

Роппа-роса соат учда уйга кириб келдим. Иккита оғир сумкани кўтариб, тепага чиққунча терга ботдим. Сумкаларни остонага қўйиб, ўзим уларнинг устига ўтириб қолдим.

— Меҳмонлар келмадими? — сўрадим аранг.

— Йўқ, — Роза жавоб қилди.

Набирам чиқиб, бўйнимга осилди. Эркаланиб туриб, бир савол берди, танамдан ўт чиқиб кетди:

— Бобожон, меҳмонларингиз бугун биринчи апрел қилишмадимикан?

Саид АНВАР

«ДОВЮРАК»

(ҳазил)

Бегойимлар эркак билан
тенглашган бу замонда,
Хотинидан қўрқмайдиган
эркак менман жаҳонда.

Мана исбот, мардлик қилиб,
бир шишани «урволдим»,
Сархуш бўлиб ҳовлимизнинг
ўртасига турволдим.

Аввалига хотинимни
Яхшиликча чақирдим,
Ғинг демади, жаҳл билан
роса унга боқирдим.

Тинч қўймадим бечорани,
Чиқмай қолди овози,
Индолмади, кўп бўлса ҳам,
ичида эътирози.

Эҳ, қанчалар довюракман,
балли экан ўзимга,
«Хотин акам» ақалли бир
кўринмади кўзимга.

Шу сабабга кўра дадил
ҳамда кўнгил тўқ эди,
Билардим-да, ўша куни
хотин уйда йўқ эди.

Иномжон РАҲИМХЎЖАЕВ

Биринчи апрел ҳам қадимий байрамлардан биридир. Маълумотларга кўра, унинг тарихи 500 йилдан ортиқ экан. Турли давлатларда бу кун ҳар хил нишонласа-да, лекин уларни 1 апрел — кулги куни бирлаштириб туради. Тарихда шундай алдашлар бўлганки, улар маълум бир вақт «ҳақиқат»-га айланган, буни амалга оширган кишилар баъзида бутун оммани ишонтиришга ҳам эришган. Қуйида ана шундай алдашлардан айримларини келтириб ўтамиз.

Ҳазил ҳам эви билан

Буюк Британия. 1980 йилда 1 апрел куни BBC радиоканали ўз эшитувчиларига шундай бир эълонни етказди: «Тез кунда дунёга машҳур механик қурилмали Биг Бен соати электр билан ишлайдигаига алмаштирилади». Буни улар замон талабига мослашиш билан боғлашади. Тез орада бу хабар бутун жамоатчиликни ларзага келтирди. Айримлар радиоканалга сим қоқиб, ўз эътирозини билдиришди. Аксарият кишилар эса эски механик соат қолдиқларини қандай қилиб қўлга киритиш, сотиб олиш борасида музокараларга киришишди.

Швеция. 1962 йилда бир гуруҳ техник мутахассислар оммага ажойиб бир маслаҳат тавсия этишди. У оқ-қора телевизорни қандай қилиб рангли телевизорга айлантириш мумкинлиги ҳақида эди. Бунинг учун телевизор экранининг юқори қисмига нейлон пайпоқ кийдириш кераклиги айтилади. Ушбу маслаҳатга ўша заҳоти кўплаб томошабинлар ишониб, телевизорини ранглига «айлантирмоқчи» бўлишди. Лекин ҳеч кимнинг хаёлига календарга қараб қўйиш келмади. Ваҳоланки, ўшанда календар 1 апрелни кўрсатиб турганди.

Греция. 1995 йилда мамлакат Маданият вазирлиги оламшумул топилма ҳақида хабар тарқатди. Унда қадимги файласуф Сукротнинг қабри топилгани айтилади. Қабрдан бир идишда ичимлик ва файласуфнинг тери қолдиқлари чиққани ошкор этилади. Хабарнинг тўғри ёки нотўғрилигини текшириб ҳам кўрмаган Франциянинг «Франс Пресс» агентлиги эса тезда уни достон қилишга ҳам улгуради.

Норвегия. 1987 йилда «Бергенс Тиденд» газетасида контрабандистлардан тортиб олинган 10 минг литр вино мусодара қилинаётгани ҳақида эълон чоп этилади. Яна унда ҳар ким бундан ўз улушини олиши учун шаҳар аҳолисини марказий шаҳар дўконига таклиф этилгани айтилади. Эрталаб эълонда кўзда тутилган дўконнинг сотувчилари биринчи апрел ҳазилига чиппа-чин ишонган ва қўлларида канистр идиш ҳамда шишалар кўтариб олган катта оломонга дуч келишади.

■ **Банк ва мижоз**

20 TRASTBANK YIL

«Трастбанк» хусусий очиқ акциядорлик биржа банкининг Самарқанд филиали доимо мижозлар билан гавжум. Сабаби, бу даргоҳга молиявий кўмак сўраб келган тадбиркор-у ишбилармонлар ноумид қайтишмайди.

Реклама ўрнида

Бизнес лойиҳаларнинг молиявий таянчи

Зеро, молия-банк тизимини ривожлантириш ва ислоҳ этиш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши натижасида тижорат банкларининг ресурс базаси кенгайиб, йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш имконини бермоқда. Республикамиздаги етакчи молия муассасаларидан бири — «Трастбанк» ХОАББ ҳам бу жараёнда фаол иштирок этиб, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ривожига салмоқли ҳисса қўшаяпти.

Жорий йилда ташкил этилганига 20 йил тўладиган мазкур банк ўтган давр ичида молиявий хизматлар бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаб, ўзига хос иш услубини яратган ҳолда, маркетинг сиёсатини муваффақиятли амалга ошириб келяпти. Бугунги кунда «Трастбанк»нинг 9 та филиали ва 44 та минибанки орқали мижозларга сифатли банк хизматлари кўрсатилаётир. Бундан ташқари, ҳудудларда банкнинг 102 та офис идораси ишга туширилиши натижасида мижозлар сони 100 мингдан ошди. Улар орасида республикамиздаги йирик компаниялар ва акциядорлик жамиятлари борлиги эътиборга моликдир.

Айтиш мумкинки, 2013 йил «Трастбанк» фаолиятида жадал ривожланиш даври бўлди. «Трастбанк» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ташкил этилган «BANKEXPO — 2013» кўргазмасида «Тадбиркорнинг энг яхши ҳамкори ва таянчи» номинациясида биринчи ўринни эгаллагани, VI Халқаро Тошкент инвестициявий-молиявий форумида эса «Йилнинг энг яхши хусусий банки» номинациясида ғолибликни қўлга киритгани бунинг амалий тасдиғидир.

Қуйидаги мисоллар «Трастбанк» мижозларнинг ишончли молиявий ҳамкори ва таянчига айланганидан далолат беради.

Сухроб ФАТТОЕВ, «Shaxzod plus» МЧЖ раҳбари:

— Бугун тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган кичик бизнес соҳасини молиялаштириш борасидаги кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Одамларда ана шу жараёнга фаол иштирок этиш истаги тобора кучайиб бораётир. Автотранспорт воситалари сонининг кўпайиши автомобил ёнилғисига, жумладан, суюлтирилган ва сиқилган газ ашёсига бўлган кундалик эҳтиёжни ошириб юборди. Шуни инобатга олиб, ўз бизнес лойиҳамни тайёрлаб, «Трастбанк»нинг Самарқанд филиали мутахассисларига тақдим этдим. Кўп вақт ўтмай, бизнес режам қўллаб-қувватланиб, ўтган йилнинг сўнгги чорагида автотранспорт воситаларига суюлтирилган газ қуйиш станциясини сотиб олиш, уни атроф-муҳитга мослаштириб қайта қуриш ва аҳолига суюлтирилган газ сотишни ташкил қилиш учун банк томонидан 100 миллион сўм кредит маблағи ажратилди. Кредитдан оқилона фойдаланиш натижасида корхонамизда 6 нафар киши янги иш ўрнига эга бўлди. Шохобчамиз автомобиллар учун қулай жойда жойлашгани, хизмат маданиятини яхши ташкил этганимиз боис мижозларнинг сони тобора ортиб бораётир.

Артур АЛЕКСАНЬЯН, «Afrosiyob Diyora Palas» МЧЖ раҳбари:

— Самарқанд — Шарқнинг гавҳари. Қадрдон шаҳримга меҳмон келмаган кун йўқ. Юртимизнинг бетакрор обидалари, халқимиз турмуш тарзи, мустақиллик йиллари эришган ютуқларимиз дунё аҳлида қизиқиш уйғотаётгани қувончли, албатта. Шунинг учун кўп йиллардан буён шарқона услубда, шинам меҳмонхона қуриб, шахсий бизнесимни шакллантириш орзуйим бор эди. «Трастбанк»нинг Самарқанд филиали томонидан кўрсатилган моддий мадад туфайли орзуим ушалди. Юртбошимизнинг мамлакатимизда хусусий мулк эгаларининг ўрта бўғини — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни шакллантиришга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрликлари боис мен шундай бахтга муяссар бўлдим. Ҳозирда барча қулайликларга эга бўлган тўрт юлдузли меҳмонхонам хизматидан сайёҳлар мамнун. Энг эътиборлиси, кошонамизда 17 нафар ёш йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди. Меҳмонларимиз шаҳар бўйлаб сафардан қайтиб, шарқона безатилган уйда, ҳовлида ҳордиқ чиқаради. Бу уларда ўзгача завқ-шавқ уйғотади. Ва ...яна келиш ниятлари борлигини айтишади. Меҳмонхонамизнинг шундай ҳолатга келишида, албатта, «Трастбанк»нинг молиявий кўмаги беқиёсдир.

Дилара АМИРОВА, «Farmasevt» МЧЖ раҳбари:

— Дорихонамиз Самарқанд шаҳрининг марказида жойлашган йирик муассасалардан бири. Ундаги лабораторияда малҳам дори ҳам тайёрланади. Шунинг учун ҳар куни юзлаб одамлар билан муомала қилишимизга тўғри келади. «Трастбанк»нинг Самарқанд филиали кўмагисиз ўз бизнесимни йўлга қўёлмасдим. Банк дори-дормон сотиб олиш ва кейинчалик уларни харидорларига сотиш мақсадида айланма маблағларни тўлдириб бориш учун керакли миқдорда бизга бир йиллик муддатга кредит ажратиб, савобли ишга катта ҳисса қўшди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан юртимизда 2014 йил Соғлом бола йили деб эълон қилиниши зиммамизга алоҳида масъулият юкламоқда. Зеро, инсоннинг вақтини, соғлиғини қадрлаб ишлаш бизнинг бош вазифамиздир. Бугунги кунда дорихонамизда барча тўлов усуллари мавжуд, мижозларимиз банк томонидан биномизда ўрнатилган инфокиоска ёрдамида тўловларни қабул қилиш дастурий тизимидан кенг фойдаланмоқдалар.

Ҳа, «Трастбанк» жамоаси мижозлар ҳурмати ва ишончига сазовор бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, иқтисодиёт ривожи ва эл фаровонлигига муносиб улуш бўлиб қўшилаётир.

Насиба ИСМАТОВА, «Ishonch» мухбири.
Муаллиф олган суратлар

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Qodirova
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 21.00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 418 | 20753 nusxada bosildi | 1 2 3 4